

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

МАРТАЗАЕВ АБДУРАСУЛ ШУКИРИЛЛАЕВИЧ

**БАЗАЛЪТ ТОЛАЛАРИ БИЛАН ДИСПЕРС АРМАТУРАЛАНГАН
КЎНДАЛАНГ ЭГИЛИШДАГИ ТЕМИРБЕТОН ТЎСИННИНГ
МУСТАҲКАМЛИГИ ВА КУЧЛАНГАНЛИК-
ДЕФОРМАЦИЯЛАНУВЧАНЛИК ҲОЛАТИ**

05.09.01 - Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар

**техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Мартазаев Абдурасул Шукириллаевич

Базальт толалари билан дисперс арматураланган кўндаланг эгилишдаги
темирбетон тўсиннинг мустаҳкамлиги ва кучланганлик-
деформацияланувчанлик ҳолати..... 5

Мартазаев Абдурасул Шукириллаевич

Напряженно-деформированное состояние и прочность железобетонных
балок, армированных базальтовым волокном, в условиях поперечного
изгиба.....21

Martazayev Abdurasul Shukirillayevich

Strength and stress-strain state of dispersed reinforced basalt fiber reinforced
concrete beams under transverse bending.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works43

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

МАРТАЗАЕВ АБДУРАСУЛ ШУКИРИЛЛАЕВИЧ

**БАЗАЛТ ТОЛАЛАРИ БИЛАН ДИСПЕРС АРМАТУРАЛАНГАН
КЎНДАЛАНГ ЭГИЛИШДАГИ ТЕМИРБЕТОН ТЎСИННИНГ
МУСТАҲКАМЛИГИ ВА КУЧЛАНГАНЛИК-
ДЕФОРМАЦИЯЛАНУВЧАНЛИК ҲОЛАТИ**

05.09.01 - Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар

**техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/T2722 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация иши Наманган муҳандислик-қурилиш институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)), Илмий кенгашивинг веб-саҳифасида (www.taqi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Разақов Собиржон Жўраевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шаумаров Саид Санатович
техника фанлари доктори, профессор

Холмирзаев Саттор Абдужабборович
техника фанлари номзоди, доцент

Ётақчи ташкилот:

Жиззах политехника институти

Диссертация химояси Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги DSc 26/30.12.2019.T.11.01 рақамли Илмий кенгашивинг 2022 йил «26» июль сўат 10⁰⁹ да архитектура факультетининг мажлислар залида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент ш., Абдулла Қодирий кўчаси, 7в-уй. Тел.:(99871) 241-10-84; факс: (99871) 241-80-00, e-mail: devon@taqi.uz, taqi_atm@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишсинг мумкин (№79 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100084, Тошкент ш., Кичик Халка йўли кўчаси, 7-уй. Тел.:(+99871) 235-43-30; факс:(+99871) 234-15-11, e-mail: taqi_atm@edu.uz) факс: (99871) 241-80-00, e-mail: taqi_atm@edu.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «07» июль кунги тарқатилди.
(2022 йил «31» 05 даги 20 - рақамли реестр баённомаси).



Х.А. Акромов
Илмий кенгашилар берувчи илмий кенгаши
раиси, т.ф.д., профессор

А.Т. Хотамов
Илмий кенгашилар берувчи илмий
кенгаши раиси, т.ф.д., доцент

Б.А. Аксарин
Илмий кенгашилар берувчи илмий
кенгаши раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда мураккаб меъморий ечимга эга бўлган йиғма ва яхлит темирбетон конструкциялардан тикланадиган кўп қаватли бинолар, сейсмик хавфсизлиги ҳамда устиворлиги таъминланган баланд иншоотлар қурилиши масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган АҚШ, Россия, Канада, Германия, Белгия, Испания, Нидерландия, Франция, Хитой, Австралия, Япония ва бошқа шу каби мамлакатларда темирбетон қурилиш конструкциялари мустаҳкамлигини оширишда толалардан фойдаланиш амалиёти йўлга қўйилаётганлигини таъкидлаш лозим. Бу борада, дисперс арматуралаш орқали қурилиш конструкциялари мустаҳкамлигини ошириш, темирбетон тўсин конструкцияларини кучайтириш, энергиятежамкор ва ресурстежамкор технологияларни самарали қўллаш ҳамда мавжуд ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида толалар асосида дисперс арматураланган ҳолда тайёрланган фибробетон ҳамда фибротемирбетон конструкцияларни ишлаб чиқариш билан бино ва иншоотларнинг мустаҳкамлиги, устиворлиги, хавфсизлиги ҳамда ишончилигини таъминлашга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, толалар асосида дисперс арматуралаш ёрдамида бино ва иншоотлар конструкцияларини кучайтириш, мустаҳкамлиги ва ишончилигини ошириш тадқиқотлари устивор ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, фибробетон учун толаларнинг оптимал миқдорларини аниқлаш, фибробетоннинг физик-механик хусусиятларини тадқиқ қилиш, моделлаштириш, фибротемирбетон тўсинларнинг мустаҳкамлиги, дарзбардошлилиги, бикрлиги, оловбардошлилиги ва эластиклик модулини ошириш йўналишларида тадқиқотлар олиб бориш долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамизда қурилиш соҳасини ривожлантириш, инновациялардан фойдаланган ҳолда бино ва иншоотлар мустаҳкамлиги ҳамда ишончилигини таъминлаш, табиий хом ашё материалларини иқтисод қилиш, маҳаллий хом ашёлардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш имконини берувчи янги қурилиш материаллари ва конструкцияларини ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан «Қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баробарга кўпайтириш»¹ бўйича вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, хусусан, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган базальт толаларидан фойдаланган ҳолда, бино ва иншоотлар учун фибробетоннинг таркибини аниқлаш, белгиланган янги таркибдаги фибробетоннинг механик хоссаларини ўрганиш ҳамда фибротемирбетон тўсинларни кучланганлик - деформацияланганлик ҳолатини

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

тадқиқ қилиш, дисперс арматуралаш, дисперс арматураланган эгилувчи фибротемирбетон тўсинларини мустаҳкамлиги, дарзбардошлиги ва бикрлиги бўйича ҳисоблаш ишларини такомиллаштириш, ҳисоблашнинг янги амалий дастурларини яратиш, уларни конструкциялашга доир амалий тавсияларни ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сон «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон «Худудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида» ги, 2016 йил 28 сентябрдаги ПҚ-2615-сон «2016-2020 йилларда қурилиш индустриясини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Базальт тола асосидаги эгилувчи фибротемирбетон тўсинларнинг мустаҳкамлик, кучланганлик-деформацияланувчанлик ҳолати ва дарзбардошлигини тадқиқ қилиш муаммолари билан жаҳондаги йирик тадқиқотчилар, жумладан, Э.С. Айвазян, Ю.М. Баженов, Т.К. Белова, И.В. Боровский, А.В. Бучкин, Н.Г.Василовская, И.А. Войлоков, И.В. Журавская, Д.Е. Зимин, С.Ф. Канаев, И.Г.Корнеева, Э.Б.Колбаско, К.Л. Кудяков, А.И. Кудяков, Л.Р. Маилян, Р.Л. Маилян, В.И. Морозов, В.А. Перфилов, В.Е.Розина, Z.M. Yasmin, M.A. Haneen, P.P. Nihal, Sh. Shinu, J. Krassowaska, A. Lapko, R.K. Gore, Shiping Li, Vibe Zhang, Wijun Chen, S. Jin, M. Aathithya Raja, G. Saravanan, V.S. Satheesh, S.S. Charan ва бошқалар шуғулланиб, ушбу тадқиқотлар йўналишида салмоқли илмий ишларни бажарганлар ва муайян даражада илмий натижаларга эришганлар.

Ўзбекистон Республикасида темирбетон конструкциялари соҳасидаги етакчи олимлар, шу жумладан, А.Б. Ашрабов, А.А.Ашрабов, Х.А. Акрамов, Б.А. Асқаров, И.Касимов, И.У. Мажидов, П.Т. Мирзаев, Ш.Р. Низамов, С.Р. Раззақов, Ч.П. Раупов, В.Ф. Усмонов, С.А. Ходжаев, А.А. Ходжаев, С.А.Холмирзаев, Ш.Шожалилов, С.С. Шаумаров ва бошқалар бетон ва темирбетон конструкцияларининг кучланганлик-деформацияланувчанлик, мустаҳкамлик ва дарзбардошлигини тадқиқ қилиш каби бир қатор йўналишларда тадқиқотлар олиб бориб, турли йилларда ўз тадқиқотлари асосида муҳим назарий ва амалий натижаларга эришганлар.

Диссертант томонидан ўтказилган илмий-тадқиқот таҳлил натижалари, базальт толалари асосида дисперс арматураланган эгилувчи фибротемирбетон тўсинларни қўлланилиши бўйича бажарилган тадқиқотлар етарли даражада

эмаслигини ва бу йўналишларда илмий изланишларни давом эттириш зарурлиги ҳамда долзарблигини кўрсатди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 2020 йил 3 декабрь куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 95-сонли мажлис баёнининг 24-бандида 2021 йил якунига хомашё ва энергия ресурсларини тежовчи композит материалларни ишлаб чиқариш бўйича инновацион тадқиқотларни Наманган муҳандислик-қурилиш институтида амалга ошириш ва Президент Администрациясининг 2020 йил 14 декабрдаги 02-3540-сонли топшириғига мувофиқ, шунингдек, “А-14-11 Темирбетон конструкцияли бино ва иншоотлар элементларининг мустаҳкамлик, зилзилабардошлик ва деформацияланувчанлигига ички ва ташқи омилларнинг комплекс таъсирларини тадқиқ қилиш” мавзусидаги амалий лойиҳада қўйилган илмий-тадқиқот ишларининг режалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кўндаланг эгилишдаги фибротемирбетон тўсин конструкцияларининг мустаҳкамлигини базальт толалари билан дисперс арматуралаш орқали оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кўндаланг эгилишга ишлайдиган тўсин конструкцияларини базальт толалари билан дисперс арматуралаш;

фибробетон учун базальт толанинг оптимал миқдори ва узунликларини аниқлаш;

базальт толалари билан дисперс арматураланган фибробетоннинг сиқилишдаги мустаҳкамлиги - $R_{fb,n}$ ҳамда конструкциясининг чўзилишдаги қолдиқ қаршиликлари - $R_{fbt2,n}$ ва $R_{fbt3,n}$ ларни экспериментал тадқиқотлар орқали аниқлаш;

базальт толалари асосида дисперс арматураланган кўндаланг эгилувчи фибротемирбетон тўсинларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолати ва мустаҳкамлигини аниқлаш;

базальт толалари билан дисперс арматураланган фибротемирбетон тўсин конструкцияларида нормал дарзларнинг ҳосил бўлиши ва кенгайишини лаборатория шароитида экспериментал синовлар ўтказиш орқали тадқиқ қилиш;

базальт толалари билан дисперс арматураланган эгилувчи фибротемирбетон тўсинларни назарий – экспериментал услубиётига асосланган ЭХМ ҳисоблаш дастурини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бино ва иншоотларнинг эгилишга ишловчи темирбетон тўсин конструкциялари қаралган.

Тадқиқотнинг предмети базальт толалари билан дисперс арматураланган кўндаланг эгилишга ишловчи фибротемирбетон тўсинларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолати ва мустаҳкамлиги ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида толалар ёрдамида

дисперс арматуралаш, чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблаш, чекли элементлар, моделлаштириш, экспериментал синаш, математик статистика, таҳлил ва таққослаш каби усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фибротемирбетон тўсин конструкциялари учун базальт толаларнинг оптимал миқдори ($0,1 \div 0,3$ %) ва узунликлари ($5 \div 30$ мм) экспериментал тадқиқотлар орқали аниқланган;

маҳаллий базальт толалари билан дисперс арматураланган фибробетоннинг сиқилишдаги мустаҳкамлиги $-R_{fb,n}$ ҳамда чўзилишдаги қолдиқ қаршиликлари $-R_{fbt2,n}$ ва $R_{fbt3,n}$ қийматлари экспериментал синов натижалари орқали аниқланган ва тадқиқотларда В25 синфдаги бетон дисперс арматураланганда мустаҳкамлиги жиҳатидан В30 синфга яқинлашиши ишлаб чиқилган;

маҳаллий базальт толалари асосида дисперс арматураланган фибротемирбетон тўсинларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолати ва мустаҳкамлиги 40 тн ли вертикал юк бера оладиган махсус ишлаб чиқилган стенд қурилмаси ёрдамида аниқланган, илмий натижалар олинган ва фибротемирбетон тўсинларнинг мустаҳкамлиги оддий тўсинларга нисбатан $10 \div 19$ % га ортиши ишончли экспериментал синовлар ёрдамида асосланган;

материалларнинг чизиқли бўлмаган деформациясини ҳисобга олган ҳолда, АВАQUS дастурий таъминот тўпламида чекли элементлар усули орқали базальт толалари асосида дисперс арматураланган фибротемирбетон тўсин конструкцияларининг кучланганлик-деформациянубчанлик ҳолати, мустаҳкамлиги, нормал дарзларнинг ҳосил бўлиши ва кенгайиши ҳисобланган ҳамда янги амалий ҳисоблаш дастурлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

базальт толалари асосидаги эгилувчи фибротемирбетон тўсинлар учун базальт толаларининг узунлиги ва самарали миқдори ишлаб чиқилган;

базальт толалар асосидаги эгилувчи фибротемирбетон тўсинларни кучланганлик-деформацияланганлик ҳолати, мустаҳкамлик ва дарзбардошликни ҳисоблашнинг ишлаб чиқилган амалий усулларини автоматлаштириш имконини берувчи ЭҲМ дастури ишлаб чиқилган;

дисперс арматураланган фибробетоннинг чўзилишдаги мустаҳкамлигини ҳисоблашнинг ЭҲМ дастури ишлаб чиқилган;

базальт толалари билан дисперс арматураланган эгилувчи фибротемирбетон тўсинларни экспериментал – назарий услубиётига асосланган янги базальт толалари билан дисперс арматураланган эгилувчи фибротемирбетон тўсинларнинг юк кўтариш қобилиятини аниқлаш учун ЭҲМ дастури ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Олинган илмий натижаларнинг ишончилиги, тадқиқотлар замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда амалган оширилганлиги, назарий ҳисоблар ва тажрибаларни қурилиш меъёрлари ва қоидаларига риоя қилган ҳолда амалга оширилганлиги, амалий ва назарий тадқиқот ҳамда ҳисоблашнинг компьютер дастури асосида олинган натижаларнинг ўзаро мос келиши ва амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти базальт толалари асосидаги фибробетон ва фибротемирбетон учун базальт толаларнинг оптимал миқдорини аниқлаш, шунингдек, фибробетон мустаҳкамлигига таъсир этувчи омиллар аҳамиятини дисперс таҳлил ёрдамида баҳолаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини амалий аҳамияти, базальт толалари асосидаги эгиловчан фибротемирбетон тўсинларни кучланганлик ва деформацияланувчанлиги, мустаҳкамлиги ҳамда дарзбардошлигини аниқлаш имконини берувчи дастурлар ёрдамида лойиҳалаш амалиётидаги аҳамияти билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Базальт толалари билан дисперс арматураланган кўндаланг эгилишдаги темирбетон тўсиннинг кучланганлик-деформацияланувчанлик ҳолати, мустаҳкамлиги бўйича олинган илмий натижалар асосида:

базальт толалари билан дисперс арматураланган фибробетон ва фибротемирбетон ишлаб чиқариш “Best profil” МЧЖ, “Оқтош темир-бетон маҳсулотлари” МЧЖ қурилиш корхоналарида жорий қилинган (Ўзсаноатқурилишматериаллари уюшмасининг 2022 йил 07 мартдаги 05/15-616-сон маълумотномаси). Натижада базальт толалари билан дисперс арматуралаш мустаҳкамликни ортишига олиб келган ва шу билан бирга цемент сарфини 10-15 % га қисқартириш имконини берган;

фибробетон ишлаб чиқариш “Бунёдкор-3” МЧЖда жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2022 йил 16 мартдаги 09-06/2561-сон маълумотномаси). Натижада кутилаётган йиллик иқтисодий самарадорлик 483 950 000 (тўрт юз саксон уч миллион тўққиз юз эллик минг) сўмни ташкил этган;

базальт толалари билан дисперс арматураланган эгиловчи фибротемирбетон тўсинларни мустаҳкамликка ҳисоблаш дастури “Коммуналтаъмирлойиҳа” МЧЖда лойиҳалаш ишлари учун жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2022 йил 16 мартдаги 09-06/2561-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳалаш ва ҳисоблаш жараёнларига сарфланадиган меҳнат сарфи-вақтни 15% гача тежалишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация мавзуси бўйича тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий нашрлар чоп этилган. Жумладан, SCOPUS базасидаги журналда 1 та, импакт фактори юқори бўлган нуфузли хорижий журналларда 5 та, ОАК тавсия этган рўйхатга киритилган республика журналларида 3 та, Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги томонидан 3 та компьютер ҳисоблаш дастурларига гувоҳномалар олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 111 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган диссертация иши тадқиқотларининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотларнинг мақсад ва вазифалари ҳамда тадқиқот объекти, предмети келтирилган, Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларга мос келиши асосланган, илмий янгилиги ва олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ифодаланган, тадқиқот ишлари натижаларининг ишлаб чиқаришга татбиқ этилганлиги, тадқиқот ишлари натижаларининг апробацияси ҳақидаги маълумотлар ва диссертация мавзуси бўйича чоп этилган илмий мақолалар, шунингдек, диссертация структураси ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Муаммонинг ўрганилганлик ҳолати ва масаланинг қўйилиши”** деб номланган биринчи бобида, илмий адабиётларда тадқиқот мавзусига доир чоп этилган илмий ишларнинг аналитик шарҳлари ва изоҳлари келтирилган.

Фибробетон тартибли ёки тартибсиз тақсимланган ҳолда цемент массаси - матрицасида толаларни ўз ичига олган композит материалдир. Фибробетоннинг мустаҳкамлик кўрсаткичлари, шубҳасиз, тола тури, тола геометрияси, толанинг таркиби, толанинг йўналиши ва тақсимланиши, йирик ва майда тўлдирувчиларнинг шакли ва ўлчамига боғлиқ бўлади. Фибробетон бўйича тадқиқотларни ривожланишига АҚШ, Россия, Канада, Германия, Белгия, Испания, Нидерландия, Франция, Хитой, Австралия, Япония ва бошқа ривожланган мамлакатлар олимлари салмоқли ҳисса қўшганлар. Толалар билан дисперс арматуралашда бетон масса-матрицасининг хоссалари композит тузилишига боғлиқ.

Тола билан арматураланган майда тошли бетон учун цемент масса-матрица бошқа одатий майда тошли бетонлардан фарқ қилмайди ва у цемент, кум, тўлдирувчи ва сувдан таркиб топади. Фибробетонда толанинг миқдори цемент массасига ёки бетоннинг ҳажмига нисбатан қўшилиши мумкин. Тола ва цемент тошининг ўзаро таъсири, шунингдек, тола билан арматураланган материалнинг тузилиши толалар билан арматураланган композит материалнинг тавсифларига таъсир қилувчи муҳим хусусиятлардир. Фибробетоннинг юк кўтариш қобилияти бетон матрицадаги толанинг ҳажмий улушига боғлиқ бўлади. Фибробетон цемент матрицада тақсимланган калта толалардан иборат бўлади.

Ана шундай калта ва қия жойлашган толаларни бетоннинг механик хусусиятларига таъсири, одатда, юкламага кўндаланг жойлашган узун толалар таъсиридан кичик бўлади. Бу эса калта ва қия жойлашган толаларнинг самараси кичик бўлишини англатади. Бетон хусусиятига толанинг узунлиги, жойлашув йўналиши ва цемент тошининг мустаҳкамлиги таъсир кўрсатади.

Диссертациянинг **“Базальт толалари билан дисперс арматураланган фибробетоннинг механик хусусиятлари”** деб номланган иккинчи бобида фибробетон учун базальт толаларини оптимал миқдори ва узунликларини аниқлаш бўйича экспериментал тадқиқот натижалари, фибробетон мустаҳкамлигига таъсир этувчи омиллар аҳамиятини дисперс таҳлил ёрдамида баҳолаш натижалари келтирилган.

Мавжуд илмий-тадқиқот ишларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики,

ҳозиргача базальт толалари билан мустаҳкамланган фибробетоннинг физик-механик хусусиятлари бўйича илмий-тадқиқот ишлари етарли даражада бажарилмаган, шу жумладан, базальт толасининг оптимал миқдори ва узунликларини аниқлаш бўйича етарли даражада изланишлар олиб борилмаган.

Маълумки, бетоннинг асосий мустаҳкамлик кўрсаткичи сиқилишга бўлган мустаҳкамлиги билан белгиланади. Хусусан, бетоннинг синфи ҳам шу асосда белгиланиб, тадқиқотларда базальт толалари қўшилган бетон куб намуналарни сиқилишга бўлган мустаҳкамлиги тадқиқ қилинди. Фибробетон учун фойдаланилган базальт толанинг хоссаларига доир кўрсаткичлар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Базальт толасининг асосий кўрсаткичлари

Базальт тола	Зичлиги, кг/м ³	Чўзилишдаги мустаҳкамлик, Мпа	Эластиклик модули, ГПа	Толанинг диаметри, мкм	Толанинг узунлиги, мм
	2650	3000-3500	80-110	17	5, 10, 15, 20, 30

Бетон таркибига базальт толаларини қўшиш орқали лойиҳавий кўрсаткичи бўйича В25 синфдаги бетон олиш учун лаборатория шароитида тажриба ишлари олиб борилди. Тажрибаларни ўтказиш учун 26 та серияда, томонлари 100x100x100 мм бўлган бетон куб намуналар стандарт талаблар асосида тайёрланди (1-расм). Тайёрланган намуналар хонада 1 кун давомида тургандан сўнг қолиплардан олинди. Ушбу намуналарга белги қўйилиб, нормал қотиш камерасида 7 кун ва 28 кун давомидаги сақлаш жараёнларида бўлди.

а)



б)




в)



1-расм. Фибробетонни синаш жараёни: а) куб намуналарини бетонлаштириш жараёни; б) бетон куб намуналари; в) синов вақтида намунанинг умумий кўриниши

Тажрибаларда амалий аҳамиятга эга бўлган асосий илмий натижалар олинди, улар бўйича таҳлиллар амалга оширилди, тегишли жадвал ва графикларга киритилди. Базальт толали ва базальт толасиз тайёрланган бетон куб намуналарининг тажриба синовлари орқали олинган натижалари 2-расмда кўрсатилган.



2-расм. Базальт толалари қўшилган бетоннинг 7 ва 28 кунлардаги мустаҳкамлик кўрсаткич графиклари: а) 5 мм; б) 10 мм; в) 15 мм; г) 20 мм; д) 30 мм; ■ -7 кун; ■ -28 кун

Диссертациянинг “Базальт толалари билан дисперс арматураланган кўндаланг эгилишдаги фибротемирбетон тўсинларни экспериментал синаш натижалари ва кучланганлик-деформацияланганлик ҳолати” деб номланган учинчи бобида экспериментал тадқиқотларнинг вазифалари, тадқиқот намуналарни конструкциялаш ва тайёрлаш, воситалари ва ўлчов асбоблари, синов моделларини тайёрлаш натижалари келтирилган.

Нормал кесимлар бўйича эгиловчи элементларнинг тадқиқ қилиш учун олти сериядаги тўсинлар тайёрланди ва синалди. Биринчи сериядаги тўсинлар базальт толалари қўшилмаган ҳолда тайёрланди. Қолган сериядаги тўсинларни турли узунликдаги ва миқдорларда базальт толалари қўшилган бетондан тайёрланди.

Тўсинлар узунлиги 1200 мм, бунда симметрик юкламаларни юклаш ҳисобга олинган. Тўсинлар кесими баландлиги 200 мм га, эни 100 мм га тенг, ҳисобий оралиғи 1050 мм га тенг. Бўйлама арматуралаш учун диаметри 12 мм

бўлган иккита А-III синфдаги стерженли арматура қабул қилинган. Тўсинларда кўндаланг арматуралаш 1,33% ни ташкил этади. Бунда, В-I синфдаги диаметри 5 мм бўлган симлардан тайёрланган хомутлар тўсин таянч олдида 70 мм кадам, тўсин ўрта қисмида эса 150 мм кадам билан жойлаштирилган. Тўсинлар БО-1 ёки ББ10-I-1 кўринишида маркировкаланган. Бунда БО ва ББ ҳарфлар бетон турини, ундан кейинги рақамлар – базальт толалари узунлиги ва миқдорини (фоизларда), охири рақам ушбу гуруҳдаги юклаш схемаси бўйича тўсин номерини кўрсатади.

Тадқиқ қилинаётган бетонларни хоссаларини ўрганиш учун тажриба тўсинлари билан бир вақтда назорат намуналари тайёрланди ва тажрибалар ўтказилди (3-расм):


1) бетон кубик мустаҳкамлигини аниқлаш учун ўлчамлари 100x100x100 мм бўлган 35 та куб намуналар тайёрланди ва синалди;

2) бетон призматик мустаҳкамлиги ўлчами 100x100x400 мм ли 21 та призмаларни синаш орқали аниқланди;


3) фибробетоннинг чўзилишдаги қолдиқ қаршилигини аниқлаш учун 150x150x550 мм бўлган 42 та призма намуналари тайёрланди ва синалди;

4) фибробетоннинг чўзилишдаги мустаҳкамлигини ёрилишда аниқлаш учун 100x100x100 мм бўлган 42 та куб намуналар тайёрланди ва синов ишлари ўтказилди;

5) узунлиги 500 мм бўлган беш дона бўйлама арматура намунасини синаш орқали узилишга бўлган вақтинчалик қаршилиги аниқланди.




3-расм. Фибробетонни мустаҳкамликка синаш жараёни: а) бетоннинг призматик мустаҳкамлигини аниқлаш; б) чўзилишга бўлган мустаҳкамликни ёрилишда синаш; в) фибробетоннинг чўзилишдаги қолдиқ қаршилигини аниқлаш




4-расм. Намуналарнинг чўзилишдаги мустаҳкамлик кўрсаткичлари графиги

Бетонни дисперс арматуралаш учун Жиззах вилоятида жойлашган «Mega Invest Industrial» кўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган, зичлиги 2650 кг/м^3 , тола диаметри 17 мкм, толалар узунликлари 10 ва 30 мм бўлган базальт толаларидан фойдаланилган.

Тўсинга юкламани юк кўтариш қобилияти 400 кН бўлган, ОКС-1671М маркадаги гидравлик пресс ёрдамида ҳосил қилинди (5-расм).



в)



5-расм. Фибротемирбетон тўсинни синаш жараёни: а) юк бериш схемаси; б) юк бериш жараёни; в) фибротемирбетон тўсиннинг синовдан сўнг кўриниши


Тўсинлар бир хилдаги юкламалар бериб синалди. Дарзлар ҳосил бўлгунга қадар ҳисобланган бузувчи куч микдоридан 5% дан ортиқ бўлмаган юкламага, дарзлар ҳосил бўлгандан кейин 10% дан ортиқ бўлмаган юкламага синалди. Босқичлар оралиғидаги интервал 10-15 минутни ташкил қилди. Бу вақтда барча ўлчов асбоблар кўрсаткичлари ёзиб борилди, янги дарзлар пайдо бўлишини ва мавжуд дарзларни ривожланишини қайд қилинди ва очилиш эни аниқлаб борилди. Шу вақтнинг ўзида эришилган юк қиймати ҳам белгилаб қўйилди. Берилаётган юк қиймати бузувчи юкнинг тахминан 85-90% ига етганда ўлчов приборлари ечиб олиниб, кейин намуна бузилгунга қадар юкланди ва унинг бузилиш характери қандай кечаётганлиги кузатиб борилди, натижалар олинди.

Диссертациянинг “Базальт толалари асосида дисперс арматураланган кўндаланг эгилувчи фибротемирбетон тўсинларни мустаҳкамликка назарий ҳисоблаш натижалари ва кучланганлик-

деформацияланганлик ҳолати” деб номланган тўртинчи бобида эгилишга ишловчи тўсинларнинг мустаҳкамлик, бикрлик ва дарзбардошлилигини текшириш учун ўтказилган экспериментал тадқиқот натижалари келтирилган.

Эксперимент натижаларига кўра, базальт толалар қўшилган эгиловчи фибротемирбетон тўсинларда дарз ҳосил қилувчи моментларнинг бошланиш вақтлари оддий тўсинларга нисбатан фарқ қилиши аниқланди.

Базальт толалар қўшилмаган тўсинларда, яъни I серия намуна тўсинларида тик дарзлар ҳосил бўлишидаги эгувчи моментлар қийматлари 3,24-3,50 кН·м га тенг бўлди. II серия намуна тўсинларда, яъни базальт толаларини 0,1% миқдорида қўшиб тайёрланган тўсинларда дарз ҳосил қилувчи моментнинг қийматлари 4,70-4,90 кН·м ни ташкил этди (6-расм). Дарз ҳосил қилувчи момент оддий бетондан тайёрланган тўсинлардаги дарз ҳосил қилувчи моментга нисбатан 40-45% га кўп бўлди.



6-расм. I, II-серия намуна тўсинларини нормал дарзларнинг очилиш кенглиги. 1, 2, 3, 4-дарзларнинг тартиб рақамлари
 ————— —тажрибавий; - - - - - —назарий


Темирбетон ва фибротемирбетон тўсинларда бетоннинг бўйлама сиқилиш ва чўзилиш деформацияларини аниқлашда, намуналарни соф эгилиш зонасининг бетон сиқилиш ва чўзилиш зонасига базаси 30 см бўлган кўчма мессура ўрнатилди ва ўлчанди.

Бетоннинг бўйлама чўзилиш ва сиқилиш деформациялари бошланғич юкланишда унча катта қийматларга эга бўлмайди ва уларнинг ўзгариши деярли тўғри чизик бўйича ортиб борди. I серия намуна темирбетон тўсинларида куч 30 кН га етганда, бетоннинг чўзилиш деформациялари $\epsilon_{fb}=(32-45)\cdot 10^{-5}$, бетоннинг сиқилиш деформациялари $\epsilon_{fbt}=(17-23)\cdot 10^{-5}$ қийматларга эришди. II серия намуна фибротемирбетон тўсинларида куч 30 кН га етганда бетоннинг чўзилиш деформациялари $\epsilon_{fb}=(12-20)\cdot 10^{-5}$, бетоннинг сиқилиш деформациялари $\epsilon_{fbt}=(8-12)\cdot 10^{-5}$ қийматларга эришди (7-расм).

Юклар миқдори $F_{ult}(0,8-0,9)$ етганда, бетоннинг чўзилиш деформациялари $\epsilon_{fb}=(150-160)\cdot 10^{-5}$, бетоннинг сиқилиш деформациялари $\epsilon_{fbt}=(47-50)\cdot 10^{-5}$ қийматларга эришди. II серия намуна фибротемирбетон тўсинларида бетоннинг чўзилиш деформациялари $\epsilon_{fb}=(130-145)\cdot 10^{-5}$ бетоннинг сиқилиш деформациялари $\epsilon_{fbt}=(28-45)\cdot 10^{-5}$ миқдорларгача етиши аниқланди.


III серия намуна фибротемирбетон тўсинларида бузувчи кучнинг миқдори $F_{ult}(0,2-0,3)$, бетоннинг чўзилиш деформациялари $\epsilon_{fb}=(13-28)\cdot 10^{-5}$, бетоннинг сиқилиш деформациялари $\epsilon_{fbt}=(8-14)\cdot 10^{-5}$ қийматларга эришди. IV серия намуна фибротемирбетон тўсинларида эса бетоннинг чўзилиш деформациялари $\epsilon_{fb}=(14-20)\cdot 10^{-5}$, бетоннинг сиқилиш деформациялари $\epsilon_{fbt}=(10-17)\cdot 10^{-5}$ қийматларга эришди.

Юкланиш босқичлари бузувчи кучга яқинлашганда III серия намуналарда бетоннинг чўзилиш деформациялари $\epsilon_{fb}=(130-140)\cdot 10^{-5}$, бетоннинг сиқилиш деформациялари $\epsilon_{fbt}=(28-32)\cdot 10^{-5}$ қийматларга эришди. IV серия намуна фибротемирбетон тўсинларида бетоннинг чўзилиш деформациялари $\epsilon_{fb}=(115-132)\cdot 10^{-5}$, бетоннинг сиқилиш деформациялари $\epsilon_{fbt}=(31-35)\cdot 10^{-5}$ миқдорларгача етиши аниқланди.



7-расм. Намуналардаги бетоннинг ўртача нисбий сиқилиш ва чўзилиш деформациялари графиклари: а) темирбетон тўсинлардаги; б) фибротемирбетон тўсинлардаги

Базальт толалари билан кучайтирилган – дисперс арматураланган фибротемирбетон ва оддий темирбетон тўсинлардаги назарий (ҳисобий) ҳамда тажрибавий солқиликларини натижалари 8-расмда кўрсатилган. Темирбетон ва базальт толали фибротемирбетон намуна тўсинларининг тажрибаларда аниқланган ва назарий ҳисоблар бўйича топилган солқиликларини таққослаганда уларнинг 90-95% даражада мос тушиши кузатилди. Тўсинларнинг солқиликлари меъёрларда чегаравий солқиликлардан ошмаслиги аниқланди.



8-расм. Намуна тўсинларда солқиликнинг эгувчи моментга боғлиқлик графиклари: а) темирбетон тўсинлардаги; б) фибротемирбетон тўсинлардаги

Экспериментал ҳамда назарий тадқиқотлар асосида олинган илмий натижалар шуни кўрсатадики, фибротемирбетон тўсинлардаги бузувчи зўриқишнинг миқдорлари (юк кўтариш қобилияти) оддий тўсинлардаги шу миқдорларга нисбатан катта бўлиши кузатилди. Буни дисперс арматуралаш билан изоҳлаш мумкин.

Назарий ҳисоблаш натижаларига кўра, базальт толалар қўшилмаган тўсинларда юк кўтариш қобилияти $M_{ult}^x = 13,56$ кН·м га тенг бўлди. Узунлиги 10 мм бўлган базальт толаларини 0,1% миқдорида қўшиб тайёрланган эгилувчи фибротемирбетон тўсинларнинг юк кўтариш қобилияти 15,29 кН·м ни ташкил этди. Оддий темирбетон тўсинларга нисбатан фибротемирбетон тўсинларнинг юк кўтариш қобилияти 12,80 % га ошди.

Узунлиги 10 мм бўлган базальт толаларини 0,2% ва 0,3% миқдорларида қўшиб тайёрланган эгилувчи фибротемирбетон тўсинларнинг юк кўтариш қобилияти мос равишда 15,41 кН·м ҳамда 15,18 кН·м ни ташкил этди.

Базальт толаларининг миқдори 0,1% ва узунлиги 30 мм бўлган фибротемирбетон тўсинларнинг юк кўтариш қобилияти 15,27 кН·м ни, толаларнинг миқдори 0,2% бўлганда, фибротемирбетон тўсинларнинг юк кўтариш қобилияти 15,56 кН·м ни, толаларининг миқдори 0,3% бўлганда, фибротемирбетон тўсинларнинг юк кўтариш қобилияти 14,98 кН·м ни ташкил этди. Бунда базальт толалари билан дисперс арматураланган фибротемирбетон тўсинларнинг юк кўтариш қобилияти оддий тўсинларнинг юк кўтариш қобилиятига нисбатан 10,53-14,79 % ошганлиги аниқланди.

Диссертациянинг **“Фибротемирбетон тўсинларни чекли элементлар усули ёрдамида моделлаштириш ва иқтисодий самарадорлиги”** деб номланган бешинчи бобида ABAQUS дастурий таъминоти ёрдамида темирбетон ва фибротемирбетон тўсинларни мустаҳкамлик, кучланганлик деформацияланганлик ҳолатлари тадқиқ этилган ҳамда иқтисодий самарадорлиги аниқланган.

Конструкцияларнинг кучланганлик-деформацияланувчанлик ҳолатини, мустаҳкамлигини ўрганиш учун чекли элементлар усули ёрдамида таҳлил қилишга асосланган замонавий дастурий тизимлардан фойдаланиш жаҳон амалиётида жуда кенг тарқалган. Конструкцияларни рақамли ўрганишнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

1) конструкциянинг бошланғич маълумотларини ўзгартириш имкониятининг мавжудлиги (геометрик ўлчамлари, материалларнинг хусусиятлари ва бошқалар);


2) кам вақт сарфлаб, кўп вариантларда намуналарни ўрганиш ва тадқиқ қилиш шароитининг ҳосил бўлиши;

3) конструкцияларнинг турли ишлаш шароитларини эътиборга олган ҳолда юқори даражада реал ҳолатига яқинлаштириб моделлаштириш имкониятининг мавжудлиги (айниқса, конструкцияларнинг лаборатория шароитларида синаш имконияти йўқ ҳолатлар учун долзарб);

4) ҳисоблаш давомида юкланишнинг исталган босқичида конструкцияларнинг ўрганиш учун зарур бўлган маълумотларни (кучланганлик-деформацияланувчанлик, кўчиш, чегаравий эгувчи момент ва бошқалар) олиш имкониятининг борлиги.


Рақамли ўрганиш жараёнида тажриба намуналари билан бир хил бўлган темирбетон ва фибротемирбетон тўсинлар моделлаштирилди. Тўсинлар учун арматура, бетон ва фибробетоннинг механик хусусиятлари лаборатория синовлари орқали аниқланди ва ABAQUS дастурида материал ҳосил қилиш учун фойдаланилди. Темирбетон тўсинлардаги хусусий ҳол учун чекли элементларнинг умумий сони битта тўсинда 24356 тани, базальт толалари билан дисперс арматураланган фибротемирбетон тўсинда чекли элементларнинг умумий сони 29574 ташкил этди.

Материалларнинг чизиқли бўлмаган деформациясини ҳисобга олган ҳолда темирбетон ва базальт толалари асосида дисперс арматураланган фибротемирбетон тўсин конструкцияларининг кучланганлик-деформацияланувчанлик ҳолати, мустаҳкамлиги, нормал дарзларнинг ҳосил бўлиши ва кенгайиши аниқланди. Оддий темирбетон ва фибротемирбетон тўсинлардаги дарзларнинг ҳосил бўлиши 9-10-расмларда келтирилган.



9– расм. Оддий темирбетон тўсинда дарзлар ҳосил бўлишининг умумий кўриниши

ABAQUS дастури таъминотида аниқланган натижаларга кўра, базальт толалар қўшилган эгиловчи фибротемирбетон тўсинларда дарз ҳосил қилувчи моментларнинг бошланиш вақтлари оддий тўсинларга нисбатан фарқли бўлиши аниқланди. Базальт толалар қўшилмаган тўсинларда, яъни I серия намуна тўсинларида тик дарзлар ҳосил бўлишидаги эгувчи моментлар қийматлари 2,7 кН·м га тенг бўлди. II серия намуна тўсинларда, яъни базальт толаларини 0,1% миқдорда қўшиб тайёрланган тўсинларда дарз ҳосил қилувчи моментнинг қийматлари 3,8 кН·м ни ташкил этди. Дарз ҳосил қилувчи момент оддий бетондан тайёрланган тўсинлардаги дарз ҳосил қилувчи моментга нисбатан 40% га кўп бўлди.



10 – расм. Базальт толалари билан дисперс арматураланган фибротемирбетон тўсинда дарзлар ҳосил бўлишининг умумий кўриниши

Амалга оширилган экспериментал ва назарий тадқиқотлар текис эгилишга ишловчи фибротемирбетон тўсинларнинг юк остида ишлашини ўрганиш имконини берди. Текис эгилишга ишловчи темирбетон тўсин намуналарнинг юк кўтариш қобилиятининг солиштиришнинг асосий параметри чегаравий эгувчи моментлардир. Лаборатория намуналарини синовдан ўтказиш, сонли моделлаштириш ва тавсия этилган ҳисоблаш усули бўйича аниқланган чегаравий эгувчи моментларнинг қийматлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Экспериментал-назарий тадқиқотлар натижасида аниқланган чегаравий эгувчи моментнинг қийматлари

Серия	Т/Р	Тўсинлар шифри	Экспериментал аниқланган чегаравий эгувчи момент M_{ult}^T , кН·м	Компьютер дастури (ABAQUS) орқали аниқланган чегаравий эгувчи момент M_{ult}^c , кН·м	Назарий (ҳисобий) аниқланган чегаравий эгувчи момент M_{ult}^x , кН·м
1.	1	БО-1	14,70	12,41	13,56
	2	БО-2	13,90		
2.	3	ББ10-I-1	17,50	15,07	15,29
	4	ББ10-I-2	16,80		
3.	5	ББ10-II-1	15,80	15,20	15,41
	6	ББ10-II-2	16,74		
4.	7	ББ10-III-1	15,40	14,98	15,18
	8	ББ10-III-2	16,90		
5.	9	ББ30-I-1	16,30	14,56	15,27
	10	ББ30-I-2	17,20		
6.	11	ББ30-II-1	15,80	14,23	15,56
	12	ББ30-II-2	16,10		
7.	13	ББ30-III-1	15,80	14,10	14,98
	14	ББ30-III-2	14,60		

ХУЛОСА

1. Экспериментал тадқиқотлар ёрдамида фибробетон тайёрлашда базальт толаларининг энг мақбул ўлчамлари ва мазкур тола ёрдамида дисперс арматуралаш учун унинг оптимал миқдори аниқланди. Узунликлари 5; 10; 15; 20 ва 30 мм бўлган базальт толалари билан бетонни 0,1; 0,15; 0,2; 0,25 ва 0,3% миқдорда дисперс арматураланганда бетоннинг сиқилишдаги мустаҳкамлиги 10÷20% ортади.

2. Базальт толалари билан дисперс арматураланган фибробетоннинг чўзилишга мустаҳкамлиги, дисперс арматураланмаган бетонларга қараганда 15÷25% юқори эканлиги аниқланди. Бундан кўринадикки, толаларни кўшилиши бетон конструкцияларини кучайтиришга олиб келади.

3. Экспериментал тадқиқотлар ёрдамида базальт толалари билан дисперс арматураланган фибробетондан тайёрланган темир бетон тўсинларни кучланганлик-деформацияланувчанлик ҳолатининг барча босқичларида синаш, уларнинг мустаҳкамлиги ва кучланганлик-деформацияланувчанлик ҳолати тўғрисида янги илмий комплекс натижалар олиш имконини берди. Жумладан, уларни дисперс арматураланмаган оддий темирбетон тўсин билан солиштирганда, уларнинг юк кўтариш қобилияти дарзбардошлиги ҳамда бикрлиги ортади.

4. Ўтказилган тадқиқотлар бетонни 0,1÷0,3% миқдордаги базальт толалари билан дисперс арматуралаш пўлат арматуралардан самарали фойдаланиш мумкинлигини кўрсатди. Шунингдек, кўндаланг эгилишга ишловчи фибротемирбетон тўсинларнинг юк кўтариш қобилиятининг 10÷19% га ортиши аниқланди.

5. Назарий ҳисоблаш натижаларига кўра, базальт толалари билан дисперс арматураланган фибротемирбетон тўсинларнинг юк кўтариш қобилияти оддий тўсинларнинг юк кўтариш қобилиятига нисбатан 10÷15 % ошганлиги кузатилди. Бу дисперс арматуралашнинг кучайтириш самарадорлигини кўрсатади.

6. Назарий ва экспериментал тадқиқот натижалари кўра, базальт толалар билан дисперс арматураланган фибротемирбетон тўсинларнинг дарзбардошлиги оддий тўсинларнинг дарзбардошлигига нисбатан 40÷45% га ортиши аниқланди. Бу темирбетон конструкцияларининг юк кўтариш қобилиятини ошганлигидан далолат беради ва ишончлигини таъминлашга хизмат қилади.

7. АВАQUS дастурий таъминотида ўтказилган тадқиқотлар юкланишнинг ҳар бир босқичида текис кўндаланг эгиловчи фибротемирбетон тўсинларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини аниқлаш имконини берди ва фибротемирбетон тўсинларнинг юк кўтариш қобилияти оддий тўсинларнинг юк кўтариш қобилиятига нисбатан 10÷15 % ортиши аниқланди. Бу эксперименталь тадқиқотлар натижаларини назарий жиҳатдан ҳам тасдиқланганлигини кўрсатади.

8. Бетон тайёрлашда базальт толаларини қўллаш цемент сарфини 10÷15 % га камайтириш имконини берди. Иқтисодий самарадорликни таҳлил қилиш орқали «Бунёдкор-3» МЧЖдаги завод шароитида темирбетон конструкцияларни ишлаб чиқаришда базальт толаларини қўллашдан кутилаётган иқтисодий самара 1 м³ бетон учун 22 914 сўмни ташкил этиши аниқланди. Агар заводда бир кунда 80 м³ бетон ишлаб чиқарилса, тадқиқ қилинаётган базальт толаларини қўллашдан кутилаётган иқтисодий самара бир ойда 40 328 640 сўм ни, бир йилда 483 950 000 сўм ни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ АРХИТЕКТУРНО-
СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ**

НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-СТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ

МАРТАЗАЕВ АБДУРАСУЛ ШУКИРИЛЛАЕВИЧ

**НАПРЯЖЕННО-ДЕФОРМИРОВАННОЕ СОСТОЯНИЕ И
ПРОЧНОСТЬ ЖЕЛЕЗОБЕТОННЫХ БАЛОК, АРМИРОВАННЫХ
БАЗАЛЬТОВЫМ ВОЛОКНОМ, В УСЛОВИЯХ ПОПЕРЕЧНОГО
ИЗГИБА**

05.09.01 - Строительные конструкции, здания и сооружения

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам**

Наманган – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2022.1.PhD/T2722.

Диссертация выполнена в Наманганском инженерно-строительном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.taqi.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).



Научный руководитель:	Раззаков Собиржон Жураевич доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Шаумаров Сайд Санатович доктор технических наук, профессор Холмирзаев Саттор Абдужабборович кандидат технических наук, доцент
Ведущая организация:	Джизакский Политехнический институт

Защита диссертации состоится «26» июля 2022 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc-26/30.12.2019.T.11.01 при Ташкентском архитектурно-строительном институте. Адрес: 100011, г. Ташкент, улица Абдуллы Кадыри, дом 7а. Тел.: (71) 241-10-84, факс: (71) 241-80-00, e-mail: devon@taqi.uz, taqi_atm@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского архитектурно-строительного института (зарегистрирована за № 79). (Адрес: 100084, г. Ташкент, улица Малая кольцевая дорога, дом 7. Тел.: (71) 235-43-40, факс: (71) 234-15-11), e-mail: taqi_atm@edu.uz.

Автореферат диссертации разослан «07» июля 2022 года.
(Реестр Протокола рассылки № 20 от «31» в «05» 2022 года).




Х.А. Акрамов
председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

А.Т. Хотамов
ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

Б.А. Аскарлов
председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире особое внимание уделяется многоэтажным зданиям из сборного и монолитного железобетона, имеющего сложное архитектурное решение, а также к строительству высотных сооружений с обеспечением сейсмической безопасности и устойчивости. Следует отметить, что в настоящее время в таких развитых странах как США, Россия, Канада, Германия, Бельгия, Испания, Нидерланды, Франция, Китай, Австралия, Япония и другие, для повышения прочности железобетонных конструкций внедрено в строительную практику использование волокна различного типа. При этом особое внимание уделяется повышению прочности строительных конструкций с помощью дисперсного армирования, усилению железобетонных балок, эффективному использованию энергосберегаемых и ресурсосберегаемых технологий, а также совершенствованию действующих производственных процессов.

Во многих странах мира направления научных исследований посвящены повышению прочности, устойчивости, конструкционной безопасности и надёжности зданий и сооружений с помощью производства дисперсно-армированных фибробетонных и фиброжелезобетонных конструкций. В этом направлении, в том числе, усиление железобетонных конструкций зданий и сооружений, повышение прочности и надёжности путём дисперсного армирования является приоритетным. При этом определение оптимального количества волокна для фибробетона, исследование физико-механических свойств фибробетона, моделирование, определение прочности, трещиностойкости, жесткости, огнестойкости и увеличение модуля упругости является одним из актуальных направлений научных исследований.

В нашей Республике большое внимание уделяется развитию строительной отрасли, обеспечению прочности, надёжности зданий и сооружений с помощью использование инноваций, экономии природных сырьевых ресурсов, производству новых строительных материалов и конструкций с использованием местного сырья. В стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы предусмотрено увеличение объема производства строительных материалов в два раза¹. В этом направлении научных исследований одним из важных задач является определение состава фибробетона для зданий и сооружений с использованием базальтового волокна, которое производится в нашей Республике, изучение нового состава фибробетона, исследование напряженно-деформированного состояния фибробетонных балок, дисперсное армирование, усовершенствование расчета прочности, жесткости и трещиностойкости изгибаемых фиброжелезобетонных балок, создание прикладных программ расчета и разработка рекомендаций по конструированию фиброжелезобетонных балок.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года №УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы»

Данное диссертационное исследование в определенной степени направлено на выполнение задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-60 от 28 января 2022 года «Стратегия развития нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы», №УП-4335 от 23 мая 2019 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию отрасли производства строительных материалов», №УП-3182 от 8 августа 2017 года «Об основных мерах социально-экономического развития регионов», №УП-2615 от 28 сентября 2016 года «О дальнейших мерах развития строительной индустрии», а также в других нормативно-правовых документах, принятых для данной сферы.

Соответствие исследований с приоритетными направлениями развития науки и технологий в Республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан: II «Энергетика, энерго - и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. Крупные исследователи со всего мира, в том числе Э.С. Айвазян, Ю.М. Баженов, Т.К. Белова, И.В. Боровский, А.В. Бучкин, Н.Г.Василовская, И.А. Войлоков, И.В. Журавская, Д.Е. Зимин, С.Ф. Канаев, И.Г.Корнеева, Э.Б.Колбаско, К.Л. Кудяков, А.И. Кудяков, Л.Р. Маилян, Р.Л. Маилян, В.И. Морозов, В.А. Перфилов, В.Е.Розина, Z.M. Yasmin, M.A. Haneen, P.P. Nihal, Sh. Shinu, J. Krassowaska, A. Lapko, R.K. Gore, Shiping Li, Vibe Zhang, Wijun Chen, S. Jin, M. Athithya Raja, G. Saravanan, V.S. Satheesh, S.S. Charan и другие занимались проблемами исследования прочности, напряженно-деформированного состояния и трещиностойкости изгибаемых фиброжелезобетонных балок на основе базальтового волокна и добились определенных научных результатов.

